

Юртимизда туркий давлатлар уламоларининг биринчи форуми ўтказилди



21:00 / 25.11.2023 1354

Бугун, 25 ноябрь кунин пойтахтимиздаги «InterContinental» меҳмонхонасида «Мотуридийлик ва ҳозирги замон» мавзуида туркий давлатлар уламолари биринчи форуми бўлиб ўтди. Унда Туркий давлатлар мусулмон идоралари раҳбарлари, муфтийлари, туркий дунёнинг обрў-эътиборли уламолари ҳамда исломшунос тадқиқотчилари иштирок этди.

Форумни Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Уйғун Ғафуров олиб борди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамоат ва диний

ташкilotлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Музаффар Комилов сўзга чиқиб, динимиз софлигини асраш, мўмин-мусулмонлар ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, турли ёт ғояларга қарши илмий ва асосли муносабат билдиришдек муҳим вазифаларни ўз ичига олган форум ишига муваффақият тилади.

Илмий анжуман давомида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ва Туркия Диёнат ишлари бошқармаси раиси Али Эрбош ҳазратлари ҳам форум иштирокчиларига ўз табрик сўзларини изҳор этиб, бугунги таҳликали замонда мазкур форумнинг аҳамияти ҳақида сўз юритдилар.

Нуфузли форумнинг асосий қисмида туркий дунёнинг обрў-эътиборли уламолари ҳамда исломшунос тадқиқотчилари Имом Мотуридий таълимоти ва унинг бугунги кундаги долзарблиги ҳақида илмий маърузалари билан қатнашди. Шунингдек, мавзу доирасида муҳим вазифалар, таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилдилар.

Форум якунида Имом Мотуридий таълимотини кенг тарғиб этиш, ўзаро илмий алоқаларни янада кучайтириш, бу борада амалий чора-тадбирлар қўллаш каби кўплаб ташаббус ва таклифлар илгари сурилди. Келгусида ҳам бундай илмий форумларни доимий ташкил этиб бориш динимиз ва қардош халқлар манфаатига хизмат қилиш таъкидланди.



Image not found or type unknown



image not found or type unknown



image not found or type unknown





image not found or type unknown



image not found or type unknown





Image not found or type unknown



image not found or type unknown



image not found or type unknown

